

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**ЧИНҚУЛОВ ҚАҲРАМОН РАВШАНОВИЧ**

**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИ КОРПОРАТИВ ҚИММАТЛИ  
ҚОҒОЗЛАР ОРҚАЛИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2019**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Contents of Dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)  
on economical sciences**

**Чинкулов Қахрамон Равшанович**

Акциядорлик жамиятларини корпоратив қимматли қоғозлар орқали  
молиялаштиришни такомиллаштириш.....3

**Чинкулов Қахрамон Равшанович**

Совершенствование финансирования акционерных обществ посредством  
корпоративных ценных бумаг.....31

**Chinkulov Kakhramon Ravshanovich**

Improvement of financing of joint-stock companies using corporate securities.....59

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....63

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**ЧИНҚУЛОВ ҚАҲРАМОН РАВШАНОВИЧ**

**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИ КОРПОРАТИВ ҚИММАТЛИ  
ҚОҒОЗЛАР ОРҚАЛИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Iqt.386 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tfi.uz](http://www.tfi.uz)) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Хамидулин Михаил Борисович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Жумаев Нодир Хосиятович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Худойкулов Хуршид Хуррамович**  
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:** **Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиали**

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60-А уй. тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: [admin@tfi.uz](mailto:admin@tfi.uz).

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри Амир Темур шоҳ кўчаси, 60-А уй. тел.: (99871) 234-53-34.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**И.Н.Қўзиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., проф.

**С.У.Мехмонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., проф.

**Ж.И.Каримкулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.н., доц.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тажрибаси кўрсатмоқдаки, акциядорлик жамиятлари (корпорациялар) хўжалик юритишнинг бутун дунёда мавжуд ва ўзини оқлаган, мамлакатлар ЯИМга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келаётган ташкилий-ҳуқуқий шакли ҳисобланадилар. «Мулкчиликнинг акциядорлик шаклига асосланган тадбиркорлик субъектлари, айниқса энг йирик 200 та компаниянинг жаҳон ялпи ички маҳсулотигаги улуши XX асрнинг 80 йилларида қарийб 25 фоизни, 2000 йилда 27,5 фоизни, 2005 йилда 29,3 фоизни, 2015 йилга келиб эса 31,3 фоизни ташкил этди. Жаҳон акциялар бозорининг капиталлашув даражаси 2017 йилда 50 трлн. доллардан ошди»<sup>1</sup>. Акциядорлик жамиятлари корпоратив қимматли қоғозларни чиқариш ҳамда жойлаштириш орқали қўшимча молиявий ресурсларни жалб этадилар. Хусусан, акцияларни эмиссия қилиш орқали нисбатан барқарор ҳамда арзон акциядорлик капиталига эга бўладилар. ««McKinsey Global Institute» халқаро консалтинг компаниясининг ҳисоб-китобларига кўра, ривожланаётган бозорларда охириги ўн йилликда акциядорлик капитали дефицитининг ўсиши кутилади. Экспертларнинг баҳолашларига кўра, 2012-2022 йилларда акциядорлик капиталига бўлган талаб ва таклиф орасида 8 трлн. долларга яқин тафовут бўлади»<sup>2</sup>. Демак, жаҳон миқёсида акциядорлик капиталига бўлган эҳтиёж ҳамда уни жалб этиш борасида рақобат борган сари кучайиб боради.

Жаҳон миқёсида акциядорлик жамиятларини корпоратив қимматли қоғозлар, хусусан акциялар орқали молиялаштириш механизми кенг илмий тадқиқ этилмоқда. Акцияларни чиқариш орқали корпорацияларга маблағ жалб этиш, айниқса, акцияларни бирламчи оммавий таклифи (IPO) орқали кўламли инвестицияларни жалб қилиш, жаҳон фонд биржаларига акцияларни самарали жойлаштириш орқали халқаро миқёсдаги инвестициялардан фойдаланиш, IPO операциясини муваффақиятли ўтказишда эътибор қаратилган жиҳатлар, жалб этилган маблағлардан самарали фойдаланиш, оптимал капитал тузилмасини шакллантириш ва акциядорлик жамиятлари дивиденд сиёсатини тўғри ташкил этишга бағишланган кўплаб илмий тадқиқотлар шулар жумласидандир. Аммо, акциядорлик молиялаштириш механизмларидан ҳисобланган IPO ва SPO орқали корпорацияларга йирик инвестицияларни жалб этиш билан бирга давлат улушини ҳам камайтириш мумкинлигига қаратилган жиҳатлар ўз илмий ечимини топмаган.

Мамлакатимизда, айниқса сўнгги йилларда акциядорлик жамиятлари фаолиятини бозор механизмлари асосида ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Аммо, акциядорлик жамиятларида давлат улушининг юқорилиги, акция бозорининг ликвидлиги паст даражадалиги, эркин

---

<sup>1</sup> Карлибаева Р.Х. Акциядорлик жамиятларида молиявий менежмент тизимини самарали ташкил этиш йўллари. И.ф.д. (DSc)... автореферати. – Тошкент, 2018, –Б.5.

<sup>2</sup> Швырков О. Г. Корпоративное управление как инструмент роста инвестиционной привлекательности компаний // Акционерное общество: вопросы корпоративного управления. – Москва, 2013. – №10.—С.5.

муомалада акциялар деярли мавжуд эмаслиги, корпоратив бошқарувнинг паст даражадалиги каби талай муаммолар акциядорлик жамиятларини корпоратив қимматли қоғозлар воситасида молиялаштириш ҳолатига салбий таъсир этмоқда. «Бугунги кунда мамлакатимизда 603 та акциядорлик жамияти фаолият юритаётган бўлса, уларнинг 486 тасида давлат улуши 52 триллион сўмни ташкил этмоқда. Ёқилғи-энергетика, нефть-газ, кимё, транспорт ва банк соҳаларида давлат иштироки юқори даражада сақланиб қолаётгани уларни бозор механизмлари асосида ривожлантириш, инвестициялар жалб этишга тўсқинлик қилмоқда»<sup>3</sup>. Шунинг учун ҳам акциядорлик жамиятларининг корпоратив қимматли қоғозлар, хусусан акциялар воситасида инвестицияларни жалб этишини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва бу соҳада илғор хориж тажрибасидан фойдаланиш, реал ҳолатни таҳлил этиб, муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар бериш муҳим аҳамият касб этади ҳамда мазкур диссертация мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 19 февралдаги ПФ-5666-сонли «Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4263-сонли «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, ҳамда акциядорлик жамиятлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Акциядорлик жамиятлари фаолияти ҳамда корпоратив қимматли қоғозлар бозори билан боғлиқ бўлган илмий тадқиқот ишлари қатор хорижлик ва Ўзбекистонлик олимлар томонидан амалга оширилган. Корпоратив қимматли қоғозлар бозорини бошқариш муаммолари ва фаолият кўрсатиш механизми Р.А.Брейли, С.С.Майерс, Л.Буз, У.Шарп, З.Боди, У.Мертон, Д.Сигел, И.Х.Ансофф, Д.М.Розенберг, Э.Маклейни, И.Т.Балабанов, В.В.Бочаров, В.Е.Леонтьев, М.Ю.Алексеев, Я.М.Миркин, Е.Ф.Жуков, В.А.Галанов, А.А.Мишарев,

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Тошкент, 28.12.2018 йил.

А.А.Абгарян, Л.А.Борлакова<sup>4</sup> каби таникли хорижий олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Шунингдек, республикамизда акциядорлик жамиятлари фаолияти ҳамда корпоратив қимматли қоғозлар бозори ривожланишига оид масалалар И.Л.Бутиков, Ш.Ш.Шохаъзамий, М.Б.Хамидулин, Р.Х.Карлибаева, Д.Х.Суюнов, С.Э.Элмирзаев, Г.Ш.Ханкелдиева, Т.Д.Ядгаров, Ж.И.Каримкулов, Ф.Т.Мухамедов, Х.А.Қурбонов, А.А.Мирисаев, Н.Т.Пўлатов, Ф.А.Хамидова, Ж.Ф.Каримов, К.Х.Акрамов, Д.Б.Бегматова, У.Р.Халиков, Ж.Ж.Қурбонов<sup>5</sup> ва республикамизнинг бошқа иқтисодчи олимлари ишларида ёритилган.

Юқорида номлари зикр этилган олимларнинг тадқиқотларида корпоратив қимматли қоғозлар бозорининг айрим жиҳатлари тадқиқ этилган бўлсада, айнан акциядорлик жамиятларини корпоратив қимматли қоғозлар,

---

<sup>4</sup> Брейли Р., Майерс С. Принципы корпоративных финансов. – М.: Олимп-Бизнес, 2007. – 1008 с.; Booth L., Aivazian V., Demircuc-Kunt A., Maksimovic V. Capital Structures in Developing Countries: Working paper / University of Toronto: Rotman School of Management. – Toronto: University of Toronto, 2000.; Шарп У., Александер Г., Бэйли Дж. Инвестиции: Пер. с англ. – М.: ИНФРА-М, 1999. – XII. – 1028 с.; Боди З., Мертон Р. Финансы.: Пер. с англ. – М.: Издательский дом «Вильямс», 2005. – 347 с.; Сигел Дж.. Долгосрочные инвестиции в акции. 4-е изд. – СПб.: Питер, 2010. – 416 стр.; Ансофф И.Х. Новая корпоративная стратегия: Пер. с англ. – СПб.: Питер Ком, 1999. –416 с.; Розенберг Д. М. Бизнес. Менеджмент. Терминологический словарь. – М.: ИНФРА-М, 1997. –462 с.; Э.Маклейни. Бизнес финансы. Теория и практика. Издательский дом «ИНФРА-М», 2008, –624 с.; Балабанова И.Т. Деньги и финансовые институты. – СПб.: Питер, 2000. –192 с.; Бочаров В.В., Леонтьев В.Е. Корпоративные финансы / СПб.: Питер, 2004. –592 с.; Алексеев М. Ю. Рынок ценных бумаг. - М.: Финансы и статистика, 1992. –352 с.; Миркин Я.М. Рынок ценных бумаг России: воздействие фундаментальных факторов, прогноз и политика развития. – М.: Альпина Паблшер, 2002. –583 с.; Рынок ценных бумаг: Учебник для студентов вузов / Под ред. Е.Ф.Жукова.—2-изд., – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007. – 463 с.; Галанов В.А. Рынок ценных бумаг. Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2008. – 379 с.; Мишарев А.А. Рынок ценных бумаг. – СПб.: Питер, 2007. –256 с.; Абгарян А.А. Развитие российского рынка акционерного капитала в современных условиях. Дисс...к.э.н., – М., 2015.; Борлакова Л.А. Влияние IPO на конкурентоспособность российских компаний. Автореф.... к.э.н., – М., 2013.

<sup>5</sup> Бутиков И.Л. Проблемы формирования и функционирования рынка ценных бумаг в Узбекистане: Дисс...д-ра.э.к.наук. – Т., 2009 г.; Шохаъзамий Ш.Ш. Системное развитие рынка ценных бумаг в регулятивной взаимосвязи с реальной экономикой / Монография. – Т.: Fan va texnologiya, 2012. –448 с.; Хамидулин М.Б. Развитие финансового механизма корпоративного управления. Дисс...д-ра.э.к.наук. – Т., 2008.; Карлибаева Р.Х. Акциядорлик жамиятларида молиявий менежмент тизимини самарали ташкил этиш масалалари. И.ф.д...автореф. – Т., 2018.; Суюнов Д.Х. Корпоратив бошқарув механизми: муаммо ва ечимлар. Монография. – Т.: Академия, 2006. –116 б.; Элмирзаев С.Э. Корпоратив молияни бошқаришда солиқ муносабатларини такомиллаштириш. И.ф.д. (DSc)...автореф. – Т., 2018.; Ханкелдиева Г.Ш. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида корпорацияларни бошқаришнинг илмий-методологик асослари. И.ф.д.(DSc)...автореф. – Т., 2018.; Ядгаров Т.Д. Депозитарная система рынка корпоративных ценных бумаг и её интеграция в международный рынок капитала: Дисс...канд.э.к.наук. –Т., 2003.; Каримкулов Ж.И. Қимматли қоғозлар бозорида эмиссион-инвестицион жараёни фаоллаштириш // Молия, 2010. –№3. –Б.58.; Мухамедов Ф.Т. Ўзбекистонда қимматли қоғозлар савдо тизимларини такомиллаштириш. И.ф.н...автореф. – Т., 2012.; Курбанов Х.А. Корпоративные финансы. Учебное пособие. – Т.: Iqtisod-moliya, 2007. –184 с.; Мирисаев А.А. Хусусийлаштирилган корхоналар фаолияти самарадорлигини оширишнинг молиявий жиҳатлари. И.ф.н...автореф. – Т., 2008.; Пўлатов Н.Т. Очиқ акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш йўллари. И.ф.н. ..автореф. – Т., 2011.; Хамидова Ф.А.. Анализ и пути привлечения портфельных инвестиций в приватизированные предприятия. Дисс. ...к.э.н. – Т., 2008.; Каримов Ж.Ф. Компаниялар ва уларнинг акциялари бозор қийматини бошқариш масалалари. И.ф.н...автореф. – Т., 2011.; Акрамов К.Х. Совершенствование финансового обеспечения модернизации акционерных предприятий посредством ценных бумаг. Автореф. ... к.э.н. – Т., 2011.; Бегматова Д.Б. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг самарадорлигини баҳолаш усулларини такомиллаштириш. Икт. фан. бўй. фал. док. (PhD)...автореф. – Т., 2017.; Халиков У.Р. Ўзбекистонда фонд бозори орқали инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш. Икт. фан. бўй. фал. док. (PhD) автореф. – Т., 2017.; Қурбонов Ж.Ж. Давлат ва корпоратив тузилмалар ўртасидаги ўзаро молиявий муносабатларни самарали ташкил этиш йўллари. Икт. фан. бўй. фал. док. (PhD) автореф. – Т., 2018.

хусусан акциялар орқали молиялаштириш масаласи алоҳида тадқиқот объекти сифатида кўрилмаган. Ушбу ҳолат ҳам танланган мавзунинг долзарблигини кўрсатади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий тадқиқот ишлари режасининг «Иқтисодийни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзусидаги стратегик илмий тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** акциядорлик жамиятларини акциялар орқали молиялаштиришни такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

акциядорлик жамиятларининг моҳияти, хусусиятлари ва мамлакат иқтисодийида тутган ўрнини ёритиш;

корпоратив қимматли қоғозларнинг хусусиятлари ва классификациясини тадқиқ этиш;

акциядорлик жамиятларини акциялар орқали молиялаштиришнинг иқтисодий моҳияти ва аҳамиятини ёритиш;

акцияларни чиқариш ва жойлаштиришнинг амалдаги ҳолатини таҳлил этиш;

акциядорлик жамиятларини IPO ҳамда SPO ларни қўллаш орқали молиялаштиришнинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш;

акцияларнинг иккиламчи бозори ҳолати ва динамикасининг таҳлилин амалга ошириш;

акциядорлик жамиятларини акциялар орқали молиялаштиришнинг илғор хориж тажрибасини тадқиқ этиш ва ҳ.к.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган акциядорлик жамиятлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети**ни акциядорлик жамиятларини акциялар орқали молиялаштириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда умумлаштириш, гуруҳлаш, тизимли ёндашув, таҳлил ва синтез, таққослаш, индукция ва дедукция каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

устав капиталида давлат ёки хўжалик бошқаруви органлари улуши мавжуд акциядорлик жамиятларини молиялаштиришнинг устувор йўналиши сифатида улар акцияларини бирламчи оммавий таклиф (IPO) орқали жойлаштириш натижасида акциядорлик жамиятларига қўшимча маблағ ҳамда хусусий инвесторларни жалб этиш механизми асосланган;



устав капиталида давлат улуши мавжуд акциядорлик жамиятлари акцияларини иккиламчи оммавий таклиф (SPO) орқали сотиш асосида давлат улушини камайтириш таклиф этилган;

кузатув кенгаши таркибига мустақил аъзоларни киритиш асосида акциядорлик жамиятларининг инвестицион жозибадорлигини ошириш таклиф этилган;

«акциядорлик жамиятларини акциялар орқали молиялаштириш» тушунчаси акциядорлик жамиятларини дастлабки, IPO орқали, капитализациялашган фойда ҳисобига иккиламчи, ёпиқ обуна асосида кўшимча ҳамда имтиёзли акциялар ва акцияларга конвертация қилинадиган қимматли қоғозлар орқали молиялаштиришга устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

акциядорлик жамиятларини акциялар орқали молиялаштириш шакллари акциядорлик жамияти мақсади ҳамда молиялаштириш манбасига боғланган ҳолда тавсифланган;

республикамызда ҳозирги кунда акциядорлик молиялаштириш орқали кўламли инвестицияларни жалб этишга ҳамда акциялар бозорининг ривожланишига тўсқинлик қилаётган асосий омиллардан бири акциядорлик жамиятларида давлат улушининг юқори эканлиги билан боғлиқлиги асосланган;

акцияларга айирбошланадиган имтиёзли акциялар ва корпоратив облигацияларни амалиётда қўллаш таклиф этилган.

ўз акцияларини IPO орқали жойлаштирган ёки SPO шаклида сотган акциядорлик жамиятлари IPO ёки SPOдан 1-2 йил олдин олиб борган дивиденд сиёсатини IPO ёки SPOни амалга оширгандан кейин ҳам камида 1-2 йил мобайнида давом эттиришлари лозимлиги асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олинганлиги, Ўзбекистондаги акциядорлик жамиятлари расмий маълумотларига асосланганлиги, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, «Тошкент» РФБ, қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси, Давлат статистика қўмитаси маълумотларига, шунингдек, бошқа амалий маълумотлар таҳлилига асосланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан акциядорлик жамиятларини акциялар орқали молиялаштиришни такомиллаштиришга бағишланган илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларни акциядорлик жамиятлари фаолиятига татбиқ этилиши ҳамда уларни акциялар орқали молиялаштириш

билан боғлиқ муносабатларини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Акциядорлик жамиятларини корпоратив қимматли қоғозлар орқали молиялаштириш юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

устав капиталида давлат ёки хўжалик бошқарув органларининг улуши (акция пакети) мавжуд бўлган акциядорлик жамиятларини молиялаштиришнинг устувор йўналиши сифатида давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органларининг улушлари (акция пакетлари)ни бирламчи оммавий таклиф (IPO) ўтказиш орқали жойлаштириш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 апрелдаги «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4263-сонли қарорида ўз аксини топган (Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2019 йил 10 апрелдаги 557/02-15-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида «Ўзкимёсаноат» АЖ тизимидаги акциядорлик жамиятларини акциялар орқали молиялаштиришни самарали ташкил этиш, иқтисодиётда давлат улушини камайтириш ҳамда хусусий инвесторлар улушини ошириш ва мамлакат молия бозорини ривожлантириш имкониятлари яратилган;

устав капиталида давлат ёки хўжалик бошқарув органларининг улуши (акция пакети) мавжуд бўлган акциядорлик жамиятларини молиялаштиришнинг устувор йўналиши сифатида давлат акциялари пакетини иккиламчи SPO ўтказиш орқали жойлаштириш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 февралда «Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш бўйича кўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5666-сонли Фармонида ўз аксини топган (Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси ҳузуридаги давлат активларини бошқариш Марказининг 2019 йил 15 мартдаги 02/06-192-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида акциядорлик жамиятларини акциялар орқали молиялаштиришни самарали ташкил этиш, иқтисодиётда давлат улушини камайтириш ҳамда хусусий инвесторлар улушини ошириш ва мамлакат молия бозорини ривожлантириш имкониятлари яратилган;

акциядорлик жамиятлари кузатув кенгашлари таркибига мустақил аъзоларни киритиш бўйича таклифи Давлат активларини бошқариш маркази томонидан устав капиталида давлат улуши бўлган автомобиль ҳамда телекоммуникация саноати тармоғидаги йирик акциядорлик жамиятлари фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш марказининг 2019 йил 15 мартдаги 02/06-192-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида акциядорлик жамиятлари молиявий-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этишга эришилган;

«акциядорлик жамиятларини акциялар орқали молиялаштириш»

тушунчасининг такомиллаштирилган таърифи бўйича 5230600 - Молия йўналиши талабалари учун тавсия этилган “Biznes moliyasi” номли ўқув қўлланма ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 9 февралдаги 133-сон буйруғи, 133-154 гувоҳномаси). Мазкур таклифни жорий этилиши акциядорлик жамиятларини акциялар орқали молиялаштиришни назарий-услубий жиҳатларини такомиллаштиришга ҳамда таълим сифатини оширишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 17 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларидан бакалавриат таълим йўналишларида ўқитилаётган «Бизнес молияси» фани бўйича ўқув дастурини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланилмоқда.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда, илмий-амалий анжуманларда 25 та маъруза тезислари нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 147 бетни ташкил этади

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари акс эттирилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Акциядорлик жамиятларини корпоратив қимматли қоғозлар орқали молиялаштиришнинг назарий-иқтисодий асослари**» деб номланган биринчи бобда акциядорлик жамият (АЖ)ларининг моҳияти, хусусиятлари ва мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни, корпоратив қимматли қоғозларнинг хусусиятлари ва классификацияси, АЖни акциялар орқали молиялаштиришнинг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти тадқиқ этилган ҳамда тегишли назарий хулосалар шакллантирилган.

Мамлакат иқтисодиётида АЖларининг роли беқиёс бўлиб, турли манбаларда АЖларига ҳар хил таърифлар келтирилган.

Хорижий иқтисодчи олимлар Н.В.Буркова, М.Ю.Маковецкийларнинг фикрига кўра: «Ҳозирги кунда АЖлари ҳақли равишда бозор иқтисодиётининг энг муҳим институтлари қаторига кирадилар»<sup>6</sup>. Ф.А.Хамидова акциядорлик шаклини «...миллий иқтисодиёт реал секторининг ўзаги», сифатида ифодалайди<sup>7</sup>.

АЖлари тижорат ташкилоти тури сифатида бир қанча устунликларга эга бўлиши билан бирга, бирмунча камчиликлардан ҳам ҳоли эмас Уларнинг асосийларини қисқача тарзда 1-расм маълумотларидан кўриш мумкин.

Муаллиф фикрича, АЖларининг мамлакат иқтисодиёти учун фойдаси ва афзаллик томонлари камчиликларидан бир неча маротаба устун туради.

Корпоратив қимматли қоғозларга акциялар ҳамда корпоратив облигациялар кирди. Мазкур фикрни кўплаб иқтисодчилар, хусусан, Е.Ф.Жуков ҳам таъкидлаганлар: «Корпоратив қимматли қоғозлар (акциялар ва облигациялар) корпорациялар, компаниялар ҳамда корхоналар (юримдик шахслар) – таомилга кўра, АЖлари томонидан чиқарилади»<sup>8</sup>.

А.А.Мишаревнинг фикрига кўра: «Фонд бозорида асосий қимматли қоғоз тури – булар акциялар ҳисобланади. АЖ уларни чиқариш орқали ўзининг устав капиталини шакллантиради ва кўпайтиради. Акциялар

<sup>6</sup> Буркова Н.В., Маковецкий М.Ю. Микроэкономика. Рынки ресурсов, общее равновесие и несовершенства рынка. Учебное пособие / Омск, 2010. – С.152.

<sup>7</sup> Хамидова Ф.А.. Анализ и пути привлечения портфельных инвестиций в приватизированные предприятия. Дисс. ...к.э.н., –Ташкент, 2008. –С.3.

<sup>8</sup> Рынок ценных бумаг: Учебник для студентов вузов / Под ред. Е.Ф.Жукова. –2-изд., – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007. –463 с., с.18.

моҳиятига кўра АЖ хусусий активларини биргаликда бошқаришнинг гувоҳномаси ҳисобланади»<sup>9</sup>.



**1-расм. АЖлари шаклидаги корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан асосий устунликлари ва камчиликлари<sup>10</sup>**

Диссертация мавзусининг предметидан келиб чиқиб, АЖларини акциялар орқали молиялаштириш тушунчаси борасида ўз муаллифлик ёндашувимизни ифода этишимиз лозим. Бунинг учун «акциядорлик жамиятлари» - «акциядорлик жамиятларини молиялаштириш» - «акциядорлик жамиятларини акциялар орқали молиялаштириш» сўз бирикмалари орқали ифодаланаётган иқтисодий маъно-мазмунни ҳам англаб олоқ тақозо этилади. Мазкур тушунчани аниқлаштириш учун назарий адабиётларга, иқтисодий луғатларга ҳамда амалиётга мурожаат қиламиз.

<sup>9</sup> Мишарев А.А. Рынок ценных бумаг. – СПб.: Питер, 2007. –256 с. – С.127.

<sup>10</sup> Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

Буларнинг барчаси асосида муаллиф томонидан АЖларини акциялар орқали молиялаштириш шакллари молиялаштириш мақсадлари ҳамда манбаларига боғлиқ ҳолда тавсифланган механизми ишлаб чиқилган. (2-расмга қаранг):



**2-расм. АЖларини акциялар орқали молиялаштириш шакллари молиялаштириш мақсадлари ҳамда манбаларига боғлиқ ҳолда тавсифланиши<sup>11</sup>**

АЖларини дастлабки молиялаштириш дейилганда жамиятнинг дастлаб устав капиталини шакллантириш билан боғлиқ молиявий муносабатлар назарда тутилмоқда. Бунда молиялаштириш манбаси бўлиб таъсисчиларнинг маблағлари ҳисобланади.

Акцияларнинг бирламчи оммавий таклифи (IPO) – акцияларни АЖ томонидан (IPO ташаббускори) фонд биржасида инвесторларнинг чекланмаган доирасига жойлаштириши ҳисобланади. Ушбу ҳолатда акциядорларнинг кенг оммаси маблағлари молиялаштириш манбаси бўлиб хизмат қилади.

<sup>11</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

АЖларини капитализациялашган фойда ҳисобига иккиламчи молиялаштириш дейилганда соф фойдани реинвестиция қилиш орқали АЖларини молиялаштириш тушунилади.

АЖларини ёпиқ обуна асосида қўшимча молиялаштиришдан мақсад қўшимча ресурс ҳамда стейкхолдерларни жалб этиш бўлиб, бунда мол отказиб берувчилар, харидорлар ва ҳ.к.ларнинг маблағлари ёпиқ обуна асосида қўшимча жалб этилади.

АЖларини имтиёзли акциялар ва акцияларга конвертация қилинадиган қимматли қоғозлар орқали молиялаштиришда акциядорлар-стейкхолдерлар сонини оширмасдан молиялаштириш амалга оширилади. Бунда молиялаштириш манбаси бўлиб қатъий белгиланган фоиз олувчилар маблағлари хизмат қилади.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, муаллиф томонидан «акциядорлик жамиятларини акциялар орқали молиялаштириш»га қуйидагича муаллифлик таърифи шакллантирилган: акциядорлик жамиятларини акциялар орқали молиялаштириш – акциядорлик жамиятларини дастлабки, IPO орқали, капитализациялашган фойда ҳисобига иккиламчи, ёпиқ обуна асосида қўшимча ҳамда имтиёзли акциялар ва акцияларга конвертация қилинадиган қимматли қоғозлар орқали молиялаштиришдан иборат.

АЖларини молиялаштиришнинг муаллиф томонидан 2-расмда келтирилган тарзда тавсифланиши АЖларининг стратегик мақсадларидан ҳамда молиялаштириш манбаларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Мазкур расм маълумотини шакллантириш орқали нафақат «АЖларини акциялар орқали молиялаштириш» тушунчасига таъриф берилган, балки мазкур молиялаштиришнинг тавсифи ҳам ифода қилинган.

Муаллиф фикрича, республикада ҳозирги кунда акциядорлик молиялаштириш орқали кўламли инвестицияларни жалб этишга тўсқинлик қилаётган асосий омиллардан бири АЖларида давлат улушининг ўта юқори эканлиги билан боғлиқ.

Хўжалик юритувчи субъектлар устав жамғармаларидаги давлат улушига тегишли акцияларни юридик ва жисмоний шахсларга IPO ҳамда SPO<sup>12</sup> орқали сотиш, пировардида «олтин акция»дан фойдаланган ҳолда вето қўйиш ҳуқуқини давлат сақлаб қолиш амалиётини қўллаш мақсадга мувофиқ.


Диссертациянинг **«Ўзбекистон Республикасида акциядорлик жамиятларини акциялар орқали молиялаштиришнинг амалдаги ҳолати таҳлили»** деб номланган иккинчи бобида акцияларни чиқариш ва жойлаштиришнинг амалдаги ҳолати, АЖларини IPO орқали молиялаштириш ҳамда акцияларни SPO орқали сотишнинг амалдаги ҳолати таҳлили,

---

<sup>12</sup> Акцияларнинг иккиламчи оммавий таклифи (SPO) – акциядор томонидан (SPO ташаббускори) унга тегишли акцияларни фонд биржасида инвесторларнинг чекланмаган доирасига сотиши ҳисобланади Қаранг: «Фонд биржасида акцияларнинг бирламчи (IPO) ва иккиламчи (SPO) таклифини амалга ошириш тўғрисида» Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 10.05.2017 йил «Фонд биржасида акцияларни оммавий таклифини ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги 268-сонли қарорига 2-илова.

акцияларнинг иккиламчи бозори ҳолати ва динамикасининг таҳлили амалга оширилган ҳамда илмий-амалий хулосалар шакллантирилган.

Республикамизда АЖлари умумий сони ва акциялар эмиссияси умумий ҳажми йиллар давомида ўзгариш тенденциясига эга. (3-расмга қаранг).



**3-расм. АЖлари умумий сони ва акциялар эмиссияси умумий ҳажмининг ўзгариши<sup>13</sup>**

3-расм маълумотларидан кўриш мумкинки, кўрилатган давр мобайнида АЖлари сони камайиш тенденциясига эга. Аммо бундай камайиш умумий эмиссия ҳажмининг камайишига олиб келмади. Республикамизда 2000 йилда 4555 та АЖ фаолият кўрсатган бўлса, 2018 йилга келиб улар сони бор-йўғи 603 тани ташкил этган (ҳатто 2017 йилнинг 1 июль ҳолатига 625 та бўлган).. 2008 йилнинг охиридан бошлаб АЖлари сонининг камая боришининг асосий сабаби – мазкур йилнинг ноябрь ойида қабул қилинган Президент фармонида кўзда тутилган АЖларини йириклаштиришга, улар устав жамғармасининг минимал миқдорини оширишга бўлган талаблар ҳисобланади. Айниқса, 2009 йилдан бошлаб янги ташкил этилаётган АЖлари устав жамғармасининг минимал миқдори 400 минг АҚШ доллари эквивалентлигида белгиланиши, муқаддам ташкил этилган АЖларига устав жамғармасининг миқдорини ошириш учун 2010 йил 1 январгача муҳлат берилиши, акс ҳолда мулкчиликнинг бошқа шаклига айлантирилиши бўйича қўйилган талаблар сабаб бўлди<sup>14</sup>. Акциялар умумий эмиссия ҳажмининг сўнгги йилларда ортишининг асосий сабаби – давлат улушининг ортиши билан боғлиқ.

<sup>13</sup> Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053-сонли «Иқтисодийёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 47-сон, 461-модда.



01.01.2019 йил ҳолатига АЖлари капитализацияси ЯИМга нисбатан 14,6% ни ташкил этган. Ҳолбуки жаҳоннинг бу борадаги ўртача кўрсаткичи эса 117,7% ни ташкил этади<sup>15</sup>. Демак, АЖлари капитализация даражасининг ҳозирги ҳолатини ижобий баҳолай олмаимиз. Чунки, ҳозирги кунда республикамиз АЖларининг капитализация даражаси жаҳоннинг бу борадаги ўртача кўрсаткичидан 8 марта кам миқдорни ташкил қилмоқда.

Шунингдек, акциялар эмиссияси ўсиш тенденциясига эга бўлсада, биржа айланмаси жуда ҳам кам улушни ташкил этмоқда. Буни 1-жадвал маълумотидан ҳам кўриш мумкин.

1-жадвал.

**ЯИМ, акциялар умумий эмиссияси ҳажми ҳамда биржа айланмаси динамикасининг солиштирма кўрсаткичи<sup>16</sup>**

Кўрсаткичлар	2013	2014	2015	2016	2017	2018
<b>ЯИМ ҳажми, млрд. сўмда</b>	120861,5	144867,9	171369,0	199325,1	254043,1	407500,0
<b>Акциялар умумий эмиссияси ҳажми, млрд. сўмда</b>	10249,4	12716,5	16553,7	30463,5	48630,0	59400,0
<b>Биржа айланмаси миқдори, млрд. сўмда</b>	93,2	97,6	161,0	299,8	298,6	687,3
<b>Биржа айланмасининг ЯИМдаги улуши, % да</b>	0,08	0,07	0,09	0,15	0,12	0,17
<b>Биржа айланмасининг умумий эмиссия ҳажмидаги улуши, % да</b>	0,9	0,8	1,0	1,0	0,6	1,2


1-жадвал маълумотларидан кўринадики, биржа айланмасининг ЯИМдаги улуши жуда кам миқдорни ташкил этиб, кўрилаётган давр мобайнида 0,07% дан 0,17% га қадар ўсган. Мамлакатимизда акцияларнинг умумий эмиссия ҳажми гарчи ўсиш тенденциясига эга бўлиб, 2018 йилда 59 трлн. сўмдан ошган бўлсада, мазкур акцияларнинг биржада айланмаси бор-йўғи 0,6% дан 1,2% гача бўлган ораликда тебранмоқда. Бошқача айтганда, акциялар умумий эмиссия ҳажмининг бор-йўғи 1,2 фоизи биржада олди-сотди қилинмоқда. Бу эса жуда ҳам паст кўрсаткич ҳисобланади. Албатта ушбу ҳолатни ижобий баҳолай олмаимиз.

4-расм маълумотларидан кўринадики, Ўзбекистонда биржа айланмасининг ЯИМдаги улуши 2018 йил якунлари бўйича бор-йўғи 0,17% ни ташкил этган. Ҳолбуки, Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, мазкур кўрсаткич Жанубий Кореяда 133,8%, Японияда 27,1%, Туркияда 48,7%, Германияда 43,8%, Россия Федерациясида 39%, Қозоғистонда 29%, Белоруссияда 7% ни ташкил этади.

<sup>15</sup> Обидов А. Развитие рынков капитала в Узбекистане. Международный финансово-банковский форум. – Ташкент, 2019. -- 27-31 март.

<sup>16</sup> Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ҳамда «Тошкент» РФБ ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Иқтисодийнинг асосий тармоқлари кесимида биржа айланмасини таҳлил қиладиган бўлсак, биржа айланмасининг 88,8 фоизи, ёки 610,3 млрд. сўми молия сектори корхоналарига тўғри келади. Бундан 86,0 фоизи ёки биржа айланмаси миқдорининг 591,0 млрд. сўми банкларга тегишли. Суғурта компанияларининг улуши 10,9 млрд. сўм (1,6%), лизинг компаниялари улуши 8,3 млрд. сўм (1,2%) ни ташкил этган. Таҳлил маълумотларидан кўринадики, биржа айланмасининг деярли 90 фоизи молия секторига тўғри келади. Шундан 86 фоизи эса банклар ҳиссасига тўғри келган. Яъни, биржа савдоларида банкларнинг акциялари олди-сотдиси монопол мавқега эга. Реал сектор корхоналари улуши биржа айланмасида жуда ҳам кам миқдорни (тахминан 11%) ташкил этмоқда. Ушбу ҳолатни ҳам ижобий баҳолай олмаймиз.




4-расм. Биржа айланмасининг ЯИМдаги улуши, % да<sup>17</sup>

Муаллиф фикрича, биржа айланмасининг ЯИМга ва умумий эмиссия ҳажмига нисбатан улушининг жуда пастлигининг асосий сабаби – АЖлари устав капиталида давлат улушининг ўта юқорилиги ҳисобланади.

5-расм маълумотларидан кўринадики, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига АЖлари устав капитали таркибида хўжалик бошқаруви органлари улушини кўшиб ҳисоблаганда, давлат улуши 90% ни ташкил этмоқда. Яъни, 90% акциядорлик капитали давлатнинг назоратида, «музлатилган» ҳолатда. Фонд бозори учун эркин муомаладаги ресурс бўла олмайди. Назарий жиҳатдан республикамиз АЖлари акциядорлик капиталининг бор-йўғи 10 фоизи фонд бозорида эркин муомалада бўладиган ресурс бўлиши мумкин. Амалда эса, юқорида келтирилганидек, фонд бозори айланмаси ундан ҳам анча паст даражада (биржа айланмасининг умумий эмиссия ҳажмидаги улуши 2018 йилда бор-йўғи 1,2% ни ташкил этган).

<sup>17</sup> «Махмудов С. Фондовые проблемы // Экономическое обозрение, 2018. –№3. –С.88.» ҳамда «Тошкент» РФБ ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Мазкур ҳолатни ижобий баҳолай олмаймиз. АЖлари сонида ҳамда акциядорлик капиталида давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳиссаси камайиши, аксинча, хусусий инвесторлар улуши ортиб бориши мамлакатимиз иқтисодиёти учун фойдалироқдир.



**5-расм. 01.01.2019 йил ҳолатига АЖлари устав капиталида иштирокчилар улуши<sup>18</sup>**

Шунингдек, жаҳонда олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра хусусий турдаги корпорацияларникига нисбатан давлатга тегишли ва аралаш мулкчилик шаклидаги йирик корпорацияларнинг самарадорлиги анча паст ҳисобланади.

Бу борада «олтин ўрталикни» топиш ва татбиқ этиш муҳим ҳисобланади. Яъни, давлат улушининг шундай даражасини танлаш лозимки, бунда бир томондан давлат манфаати ҳисобга олинса иккинчи томондан АЖлари фаолияти самарадорлиги таъминланиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 10.05.2017 йилда 268-сонли «Фонд биржасида акцияларни оммавий таклифини ўтказишни ташкил этиш тўғрисида» Қарори қабул қилинди. Мазкур қарорда АЖларининг акцияларини бирламчи (IPO) ва иккиламчи (SPO) оммавий таклифини халқаро амалиётга мувофиқ аҳолига ҳамда тадбиркорлик фаолияти субъектларига таклиф этиш белгиланган.

Ушбу қарорга асосан акциялари бирламчи (IPO) ўтказиш орқали жойлаштирилиши белгиланган корхона «Кварц» АЖ ҳисобланади. «Кварц» АЖ 2017 йил 5 декабрдан бошлаб, ўзининг акцияларини бирламчи оммавий таклиф этиш (IPO) орқали «Тошкент» РФБ сотувига чиқарди.

Мазкур IPO республикамизда илк марта ўтказилаётганлиги сабабли қатор ўзига хос хусусиятларга эга бўлди. 2-жадвалда «Кварц» АЖ акциялари IPOсига оид маълумотлар келтирилган.

2 -жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, «Кварц» АЖ 2017 йил 5 декабрдан бошлаб, ўзининг акцияларини бирламчи оммавий таклиф этиш

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси маълумотлари ([www.deponet.uz](http://www.deponet.uz)) асосида муаллиф томонидан тузилган.

(IPO) орқали «Тошкент» РФБ сотувига чиқарди. Сотувга чиқарилган акциялар сони 4 574 934 дона бўлиб, бир шахс томонидан кўпи билан чиқарилган акциялар умумий миқдорининг 0,05 фоизи миқдориди, ёки 2 287 дона акция сотиб олиши мумкинлиги белгилаб қўйилди. Бир дона акция учун 3000 сўмдан 9100 сўмгача бўлган ораликда обуналар қабул қилинди. Акцияларга обуна яқунланиши санаси этиб 2018 йил 3 апрель куни белгиланди, Буюртма берилган вақтда акциялар учун 100 фоиз олдиндан тўлов амалга оширилиши шарт қилиб қўйилди. Акцияларни сотиш харидор берган буюртмада таклиф этилган нархларда, юқори таклиф этилган баҳога устуворлик берилган холда амалга оширилди.

2-жадвал

**«Кварц» АЖ акциялари IPOси хусусиятлари ва молиявий натижалар<sup>19</sup>**

№	Хусусиятлари	Кўрсаткичлар
1.	Обуна бошланган сана	05.12.2017 й.
2.	Обуна тугаган сана	03.04.2018 й.
3.	Валюта тури	UZS
4.	Олдиндан тўлов	100%
5.	Сотувга чиқарилган акциялар сони, дона	4 574 934
6.	Сотувга чиқарилган акцияларнинг АЖ жами акцияларига нисбатан улуши	10%
7.	Сотиб олинган акциялар сони, дона	2 475 269
8.	Шундан, сотилган акциялар улуши	54,1%
9.	Акцияларни сотишдан тушган тушум, минг. сўм	7 523 818
10.	IPO ўтказиш бўйича жами харажатлар, минг. сўм	278 904
11.	Сотишдан олинган даромад, минг. сўм	7 244 914

Таҳлиллардан хулоса қилиш мумкинки, «Кварц» АЖ республикамызда биринчи бўлиб ўз акцияларини оммавий таклиф (IPO) тарзида жойлаштирди. Натижада жамият қўшимча 7245 млн. сўмлик маблағга ва давлат улушининг камайиши ҳисобига 3305 нафар янги акциядорга эга бўлди. Шунингдек, «Кварц» АЖ акцияларининг IPO орқали жойлаштирилиши иккиламчи фонд бозоридаги савдоларни фаоллаштиришда, битимлар сонининг ошишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бу жараён, ўз навбатида, фонд бозорининг ликвидлигини оширишга олиб келмоқда. «Тошкент» РФБ маълумотларига кўра, деярли ҳар куни мазкур АЖнинг акциялари биржада сотилади.

Аммо, шуни ҳам алоҳида таъкидлашимиз лозим, IPO муваффақиятли ўтди, ҳеч қандай муаммо бўлмади десак – хато қилган бўламиз. Бу борадаги энг асосий муаммо – IPO учун чиқарилган акцияларнинг тўлиқ жойлаштирилмаганлиги ҳисобланади. Яъни, акцияларнинг бор-йўғи 54 фоизи жойлаштирилди.

Фикримизча, «Кварц» АЖнинг IPO тарзида жойлаштирилиши керак бўлган акцияларининг тўлиқ жойлаштирилмаганлигининг сабаби «Road Show» нинг талаб даражасида амалга оширилмаганлиги, аҳолида қимматли

<sup>19</sup> «Тошкент» РФБ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

қоғозларга нисбатан ишончининг тўлиқ шаклланмаганлиги ҳамда битта акциядор учун акцияларни сотиб олишнинг умумий миқдори эмиссия ҳажмининг 0,05 фоизидан ошиб кетмаслиги борасидаги чекловдир.

Ҳукумат қарори асосида акциялари иккиламчи оммавий таклиф (SPO) асосида сотилиши белгиланган корхоналардан бири «Кўқон механика заводи» АЖ ҳисобланади.

SPO IPO дан фарқли равишда АЖнинг устав капитали миқдорига таъсир кўрсатмайди. Аммо, бундай сотувни амалга ошириш компания акцияларини капитал бозорида эркин муомалада бўлишини, компаниянинг оммавийлашувини, давлат улуши сотиладиган бўлса – мазкур улушнинг камайиши ҳисобига хусусий инвесторлар ҳиссаси ошишини таъминлайди. Шунингдек, акцияларни иккиламчи оммавий жойлаштириш (SPO) корхоналарни IPOга тайёрлаш учун ҳам хизмат қилади.

«Кўқон механика заводи» АЖ акцияларининг SPO дан олдин 74,08% акциялари «Ўзнефтгазмаш» АКга, 25,92% улуши эса жисмоний шахсларга тегишли бўлган. Ўз навбатида «Ўзнефтгазмаш» АК «Ўзбекнефтгаз» МХКга тегишли. «Кўқон механика заводи» АЖ акцияларини SPO орқали сотишдан асосий мақсад – давлат ёки хўжалик бошқаруви органи улушини камайтириш, шунингдек, акциядорлар таркибида жисмоний шахслар улушини ошириш эди. Ушбу мақсадга эришилди, ҳамда «Кўқон механика заводи» АЖ акциядорлари таркиби акциялари SPOси амалга оширилиши натижасида «Ўзнефтгазмаш» АКга тегишли улушнинг 10 фоизи сотилди. Натижада «Ўзнефтгазмаш» АКнинг улуши камайиб, 64,08% ни, жисмоний шахсларнинг улуши эса аксинча, ортиб, 35,92% ни ташкил этди.

«Тошкент» РФБ расмий веб-сайтида жойлаштирилган маълумотларга кўра, «Кўқон механика заводи» АЖнинг жами 2 821 065 дона акцияларини SPO усулида сотиб олиш учун 2843 та буюртма келиб тушган. Бу рақамлар, ўз навбатида, сотувга қўйилган акцияларга бўлган талаб 126 фоиздан ортиқ бўлганлигини ҳамда қимматли қоғозларнинг янгича усулдаги сотуви муваффақиятли ўтганлигини кўрсатмоқда<sup>20</sup>.

Шуниси қувонарлики, «Тошкент» РФБнинг маълумотларига кўра, 2018 йилнинг апрель ойида акцияларини бирламчи оммавий (IPO) орқали жойлаштирган «Кварц» АЖнинг акциялари билан йил охирига қадар иккиламчи бозорда 1,5 млрд. сўмлик 1431 та битим амалга оширилган. Демак, мазкур АЖда IPOнинг амалга оширилиши ўз навбатида давлат улушининг камайиши билан бирга, иккиламчи акциялар бозорининг ривожига ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Иккиламчи қимматли қоғозлар бозорининг ривожланганлиги мамлакат фонд бозорининг ривожланганлигидан далолат беради. Ва аксинча, мазкур бозорнинг ривожланмаганлиги фонд бозорида жиддий муаммолар борлигини кўрсатади.

<sup>20</sup> Тожиева З. Хусусийлаштириш SPO усулида муваффақиятли ўтди // «Биржа» иқтисодий газетаси. – Тошкент, 2018. – №154 (2474).

3-жадвалда келтирилганидек, республикамизда акцияларнинг иккиламчи бозори улуши бирламчи бозорга нисбатан анча пастлигини ижобий баҳолай олмаймиз.

3-жадвал

**Бирламчи ва иккиламчи акция бозорларининг нисбати динамикаси<sup>21</sup>**

Йиллар	Бирламчи бозор		Иккиламчи бозор	
	сумма (млрд. сўм)	улуши, % да	сумма (млрд. сўм)	улуши, % да
1999	4,6	42,6	6,2	57,4
2000	6,2	36,3	10,9	63,7
2001	12	46,3	13,9	53,7
2002	16,3	39,1	25,4	60,9
2003	53,9	72,2	20,8	27,8
2004	18,5	44,8	22,8	55,2
2005	100,0	60,3	65,9	39,7
2006	114,9	33,6	227,2	66,4
2007	269,6	67,1	131,9	32,9
2008	483,4	68,5	222,3	31,5
2009	560,3	74,9	187,8	25,1
2010	930,0	63,0	547,3	37,0
2011	634,8	42,3	866,2	57,7
2012	1148,4	57,8	838,9	42,2
2013	748,9	82,3	161,6	17,7
2014	1197,6	90,2	117,3	9,8
2015	3233,1	92,1	254,6	7,9
2016	13183,8	90,3	1276,3	9,7
2017	18789,7	84,5	3458,0	15,5
2018	9000,0	84,1	1700,0	15,9

Тадқиқотлар кўрсатишича, акциялар ҳаракатсизлигининг асосий сабаби, умумий акциядорлик капиталининг нооқилона таркибидир. Акцияларнинг аксарият қисми давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органларига тегишли бўлиб (2019 йилнинг 1 январь ҳолатига – 89,5%), умуман айлана олмайди. Иккиламчи бозорнинг асосий ресурсини иқтисодиётнинг хусусий секторига тегишли бўлган кам улушли (10,5%) акциялар ташкил этади. Шундай қилиб, умумий қиймати 6222,72 млрд. сўмга тенг бўлган қимматли қоғозлар назарий жиҳатдан иккиламчи бозорни фаоллаштириш учун омил бўлиши мумкин. АЖлари устав фондидаги давлат улушини тубдан камайтириш мазкур муаммонинг ҳал этилишига ёрдам беради.

Шунинг учун ҳам муаллиф томонидан устав капиталида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари улуши мавжуд АЖлари акцияларини бирламчи оммавий таклиф (IPO) орқали жойлаштириш натижасида АЖларига қўшимча маблағ ҳамда хусусий инвесторларни жалб этиш лозимлиги асосланган. Шунингдек, устав капиталида давлат улуши мавжуд АЖлари акцияларини иккиламчи оммавий таклиф (SPO) орқали сотиш асосида давлат улушини камайтириш таклиф этилган;

<sup>21</sup> Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Диссертациянинг «**Акциядорлик жамиятларини акциялар орқали молиялаштиришнинг устувор йўналишлари**» деб номланган учинчи бобида АЖларини акциялар орқали молиялаштириш механизмининг илғор хориж тажрибаси ёритилган, АЖларининг инвестицион жозибадорлигини корпоратив бошқарувни такомиллаштириш орқали ошириш масалалари тадқиқ этилган, АЖларининг дивиденд сиёсатини такомиллаштириш – акциялар баҳосини оширувчи омил сифатида кўриб чиқилган ҳамда илмий-амалий хулосалар чиқарилган.

Хитой ҳамда Норвегияда АЖлари устав капиталидаги давлатнинг улуши нисбатан юқори. Хитойда мазкур миқдор 47% ни ташкил этаётган бўлса, Норвегияда 36,3% га тенг. Аммо, Россия ҳамда Италия давлатларида ушбу миқдор мос равишда 23% ва 20% ни ташкил этади.

Аммо, шуни ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш лозим, гарчи Хитой АЖларида давлат улуши юқори бўлсада, 50% га ҳам етмайди. Ўзбекистонда эса, юқоридаги бобларда кўрганимиз каби, АЖларида давлат улуши миқдори 80% дан ошади.

Ривожланаётган мамлакатларда нефть ва газ корхоналарини модернизациялаш эҳтиёжларини молиялаштиришда қимматли қоғозлардан фойдаланишнинг истиқболли йўналиши бўлиб акцияларни хорижий капитал бозорларида бирламчи оммавий жойлаштириш (IPO) ҳисобланади. Масалан, Хитой компанияси ҳисобланган, фаолияти электрон тижоратга асосланган Alibaba компанияси 2014 йилда IPO орқали 25 млрд. АҚШ доллари жалб этиб, жаҳон миқёсида ҳануз биринчиликни сақлаб турибди.

Сўнгги йилларда Россияда IPO бироз сустрлашди. Бунинг асосий сабаби бўлиб, 2014 йилдан бошлаб ушбу давлатга турли сиёсий ҳамда иқтисодий санкцияларнинг ўрнатилишидир.

